

**Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ички аудит хизматининг
2025-йил 1-ярим йиллик фаолияти бўйича
Ҳ И С О Б О Т И**

1. Умумий маълумотлар

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг тегишли буйруқларига асосан Марказий аппаратда 7 та штат бирлигидан иборат “Ички аудит бошқармаси” ташкил этилган бўлиб, ўрнатилган тартибда мазкур бошқарманинг Низоми ва ходимларнинг лавозим мажбуриятлари тасдиқланган. Ҳозирги кунда 7 нафар ходимдан иборат ички аудит бошқармаси ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

Ички аудит бошқармасида 7 нафар ходимлари томонидан Ўзбекистон аудиторлар палатасидан ички аудит миллий малака сертификати олинган.

Тизимда жами 25 та ташкилотлар мавжуд бўлиб, шундан давлат муассасалари 11 тани, ҳудудий бўлинмалар 13 тани ва акциядорлик жамияти 1 тани ташкил этади.

2. Ички аудит йиллик режасида тасдиқланган ички аудит тадбирларининг ҳисобот даврида режалаштирилган қисмининг бажарилиши ҳолати.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ички аудит бошқармасининг 2025 йил учун тасдиқланган йиллик дастурига асосан 6 та объектда назорат тадбири ўтказилиши режалаштирилган. 2025 йил 1 июль ҳолатига 6 та объектда назорат тадбири ўтказилиб (*режага нисбатан 100 %*) ҳисобот расмийлаштирилди ҳамда зарур таклиф ва тавсиялар берилди. 2025 йил 1 июль ҳолатига берилган таклиф ва тавсиялар учун назорат тадбир ўтказилган объектлар томонидан чора-тадбирлар қилиниб ижроси 81% таъминланган.

2025 йил 2-чоракда режадан ташқари 1 та назорат тадбири ўтказилб, ҳисобот расмийлаштирилди ҳамда зарур таклиф ва тавсиялар берилди. Берилган таклиф ва тавсиялар учун назорат тадбир ўтказилган объектлар томонидан чора-тадбирлар қилиниб ижроси 100% таъминланган..

3. Ҳисобот даврида ўтказилиши режалаштирилган, лекин амалга оширилмаган ички аудит тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар.

Ҳисобот даврида 2-чорак режасида бўлган барча тадбирлар мониторингдан ўтказилиб ҳисобот шакллантирилган ҳамда давлат аудит дастурига тўлиқ киритилган.

4. Ички аудит объектлари томонидан чора-тадбирлар режасининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар.

2025 йил 2-чорак даврида ички аудит йиллик режаси асосидаги ички аудит тадбирлари натижасида берилган таклиф ва тавсиялар режа бўйича назорат тадбири ўтказилган жами 6 та объект учун 22 та таклиф ва тавсиялар берилди ҳамда

чорак якуни билан ушбу таклиф ва тавсиялар назорат тадбири ўтказилган объект томонидан 86% га бажарилди.

5. Ҳисоб палатасининг "Масофавий назорат" ААТ орқали келиб тушган хавф таҳлиллари.

Жорий йилнинг 2-чорак даврида Ҳисоб палатасининг "Масофавий назорат" ААТ дан компания тизимидаги ташкилотлардан аниқланган хатарлар тўғрисидаги маълумотлар келиб тушмади.

6. Ички аудит хизмати фаолияти сифатини таъминлаш (баҳолаш) ва ошириш бўйича амалга оширилган ишлар.

Ички аудит хизмати фаолиятининг сифатини баҳолаш ва ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- ички аудит бўлими томонидан йиллик иш режа йил якунига қадар тўлиқ бажарилган;
- ички аудит объектлари томонидан чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ўз вақтида таъминланмоқда;
- ички аудит объектларининг молиявий фаолиятида хавфларнинг юзага келишига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда хавф омиллари белгиланди;
- ички аудит йиллик режасини ишлаб чиқишда ички аудит объектларини тўлиқ қамраб олган ҳолда хавф таҳлили амалга оширилди;
- ички аудит тадбирлари ўтказилиши тўғрисида ички аудит объектини белгиланган тартибда хабардор қилиб борилган;
- ички аудит тадбирлари натижалари бўйича ҳисоботда ички аудит объектининг фикр-мулоҳазалари билдирилиши йўлга қўйилган;
- ички аудит бўлими томонидан чора-тадбирлар режасининг ижроси юзасидан доимий мониторинг олиб борилиши таъминланган;
- ички аудит тадбирлари натижасида энг кўп аниқланаётган хато ва камчиликларнинг юзага келиш сабаблари таҳлилий ўрганилган;
- ўрганиш таҳлилларидан келиб чиқиб, хато ва камчиликларнинг олдини олишга (профилактикага) қаратилган тизим йўлга қўйилган;
- ички аудит фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофавий аудитни амалга ошириш чоралари тўлиқ кўрилган;
- ушбу муассасаларда молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган назорат ишларига оид ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш тизими йўлга қўйилган;
- самардорлик индикаторлари ҳар чоракда тўғри белгиланиши таҳлил қилиш асосида бажариб келинмоқда.

7. Вазирлик (идора) тизимидаги бюджет ҳисобидан молиялаштирилмайдиган нобюджет муассаса ва ташкилотларда молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган назорат ишларига оид ҳужжатларнинг мониторинги юзасидан амалга оширилган ишлар

Тизимдаги бюджет ҳисобидан молиялаштирилмайдиган нобюджет муассаса ва ташкилотларда 2025 йил 2-чоракда назорат қилувчи органлар томонидан молиявий хўжалик фаолияти бўйича назорат ишлари ўтказилмаган.

Ички аудит бошқармаси томонидан ўтказилган назорат ишларига оид ҳужжатларнинг мониторинги йўлга қўйилган.

8. Аниқланган тизимли камчиликлар, хавфлар ва уларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар (таклиф ва тавсиялар)

Тизимдаги Аниқланган ҳолатларнинг олдини олиш (бартараф этиш) бўйича тизимли таклиф ва тафсиялар берилган.

9. Давлат органи ва ташкилоти фаолиятида бюджет интизомини мустаҳкамлаш, хавфларни профилактика қилиш ҳамда бюджет харажатлари натижадорлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар.

1. Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ишлаётган шахсларга юклатилган вазифалардан келиб чиқиб (мураккаблиги, масъулиятлиги, долзарблиги, иш ҳажми ва бошқа), ўрнатилган меъёрий ҳужжатларга таянган ҳолда, аниқ ҳисоб-китоблар асосида келишув суммасини белгилаш:

бунда, Компания томонидан ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган Йўриқнома талабларига қатъий амал қилган ҳолда фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тузиш тавсия этилади.

2. Реклама-тижорат фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда телеканалнинг рейтинг даражасини юқорига кўтариш мақсадида амалдаги қонунчилик талаблари асосида телеканал мусиқий тижорат дастурларида мусиқий клип ва номерларни эфирга узатилиши бўйича таърифлар ва ушбу таърифларга қўлланиладиган чегирмалар янги тартибини ишлаб чиқиш:

бунда, реклама-тижорат фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда телеканалнинг рейтинг даражасини юқорига кўтариш мақсадида амалдаги қонунчилик талаблари асосида телерадиоканалларнинг мусиқий тижорат дастурларида мусиқий клип ва номерларни эфирга узатилиши бўйича тарифлар ва ушбу тарифларга қўлланиладиган чегирмалар янги ТАРТИБи ишлаб чиқиш ҳамда келгусида барча дастурлар мазкур Тартибда белгиланган меъёрлар асосида эфирга узатишини таъминлаш ва бунинг натижасида телерадиоканалларнинг тижорат тушумлари салмоғини ошириш тавсия этилади.

10. Ички аудит хизмати фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар.

Ички аудит хизмати фаолиятини ривожлантириш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- ички аудит ходимларининг халқаро мезонларга мос билим ва кўникмаларини ошириш, аудит жараёнларини халқаро стандартлар даражасида

ташқил этиш мақсадида ривожланган мамлакатларда малака ошириш дастурларини ташқил этиш (CIA, ACCA Internal Audit, ва ҳ.к.);

- этик ҳолатлар бўйича аноним мурожаат платформасини жорий қилиш (*Самара: Очиқлик, холислик ва ишонч ортиши*);

- аудит ва хавфларни бошқариш бўлимлари ўртасида маълумот алмашувини автоматлаштириш;

- ҳар бир ҳисоботга QR-код бириктириш, у орқали ҳисоботни рақамли кўриш ва тасдиқлаш.

11. Ички аудит хизмати ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари.

2025 йил 1-чорак даври ҳолатига ички аудит бошқармасида 7 нафар ходимдан иборат бўлиб ҳар бир ходим фаолиятини самарадорлигини йиғма кўрсаткичи 100 фоизни натижани ташқил қилди.